

Содиқ ошпаз



08:16 / 25.08.2020 2506

Форс подшоҳларидан бирига ошпаз таом олиб келиб, уни дастурхонга қўяётган эди, овқатнинг озгинаси подшоҳ тарафига тўкилиб кетди. Подшоҳнинг жаҳли чиққанини кўрган ошпаз ўлдирилишига аниқ ишонди. Ўлимига ҳам рози бўлиб, итоаткор ҳолатда тўкилган овқатни бир идишга сола бошлади. Бироқ кутилмаганда идишни дастурхонга ва подшоҳнинг олдига отиб юборди. Подшоҳнинг баттар жаҳли чиқиб, «Бу нима қилганинг? Тўкканингга индамадим, лекин бу ишинг учун энди сени ўлдираман! Биласанми шуни?» деб бақирди. Ошпаз шундай жавоб берди: «Овқатни тўкиб юборганимдаёқ мени ўлдиришингизни билган эдим. Лекин одамлар «Ошпаз бу подшоҳга шунча йил астойдил хизмат қилган эди. Лекин бир мартагина овқатни тўкиб юборгани учун уни ўлдирибди», дейишини истамадим. Шунинг учун ўлдиришга арзийдиган иш қилайин деб шу ишни қилдим». Подшоҳ бу гапни эшитиб, ошпазини кечирди ва унга

совға-салом беришни буюрди.

«Солиҳлар гулшани» китобидан